

Mirzaqul Kh. NORQOBILOV,
Navoi State Pedagogical Institute
Docent of the Department of History.
Ibn Sino str. 45, 210100, Navoiy, Uzbekistan.
E-mail: norkobilov.m@gmail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/3/6

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙНИНГ СИЁСИЙ-БОШҚАРУВ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

SA'DUDDIN TAFTAZANI'S VIEWS IN THE
FIELD OF POLITICAL-MANAGEMENT AND
ITS HISTORICAL SIGNIFICANCE

ВЗГЛЯДЫ САДУДДИНА ТАФТАЗАНИ В СФЕРЕ ПОЛИТИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ И ЕГО ИСТОРИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ

КИРИШ

Бугунги глобаллашув шароитида рационал билимлар инсониятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, маърифатга интилиш ва уни эгаллаш орқали ижтимоий интеллектни юксалтириш жамиятдаги мавжуд ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммолар ечимини топишда ҳам долзарб аҳамият касб этади. Бу борада жамият аъзоларининг билим олишга бўлган мақсадли фаолияти ва уни эгаллаганлик даражаси маънавий комиллик мезонларидан бири сифатида қаралади. Инсон ўз рационал тафаккури орқали дақиқа сайин янгиланиб турган ижтимоий воқеликни атрофлича ҳис этади ва илмий жараёнда жадал тус олаётган ижобий янгиликларни пухта ўзлаштириб боради. Пировардида, ижтимоий фаол субъект сифатида ўзлигини ҳамда оламни англаши орқали шахс ва жамият ижтимоий-маънавий мавқеининг кўтарилишига сабаб бўлади.

Ижтимоий-тарихий давр контекстида мутафаккирлар томонидан яратилган гояларни ўрганиш, уларнинг фалсафий билимларини илмий-назарий тадқиқ қилиш жамиятнинг қолаверса, инсониятнинг ижтимоий-маънавий қиёфасини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда маънавият ва маърифат соҳасига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида буюк мутафаккирларимизнинг илмий ме-

росини ўрганиш, тадқиқ этиш давлат ҳамда жамият ҳаётида пайдо бўлаётган турли муаммолар ечимида самарали механизм вазифасини бажаради. Қолаверса, мамлакатимизда ислом дини илмларининг ижтимоий-маънавий аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, айтиш мумкинки, “калом илми тарихи ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини илмий тадқиқ этиш” (Мирзиёев Шавкат Миромонович, 2017) маърифий соҳадаги долзарб вазифалардан бири сифатида эътироф этилди.

Маълумки, жамият тараққиётининг барча босқичларида унинг мазмун-моҳияти, микдор ва сифат кўрсаткичлари, жадаллиги (максимал) ёки мўътадиллиги (нормал) ҳолатлари ёхуд қуий (минимал) даражада эканлиги каби кўрсаткичлар муайян минтақа аҳолисининг тафаккур даражасига ҳамда бир қатор ижтимоий-маънавий омиллар билан бирга рационал билимига ҳам боғлиқdir. Юқоридаги мавзу тўғрисида тарихий давр нуқтаи назаридан фикр юритганимизда, минтақамизнинг мужтаҳид олимлари томонидан маълум бир ҳуқуқий (фиқҳий) масалалар юзасидан холис ва адолатли фикр билдирилиши, яъни “ижтиход қилиш” ҳамда умумлаштирилган фикрлар юзасидан хulosалар чиқарилиши ислом илмлари ривожида долзарб аҳамият касб этган. Аксинча, етарлича билимга эга бўлмаган шахслар томонидан муайян манба ёки ижтимоий воқеликни нотўғри талқин ва татбиқ қилиниши натижасида содир этилган ҳар қандай хатолик эса, жамият маънавий ҳаётининг издан чиқишига сабаб бўлган. Бундай ижтимоий-сиёсий воқеликлар тарихий давр контекстида мунтазам далилланиб келган. Жумладан, бугунги кунда мамлакатимизда илмсизлик, маърифатга бўлган лоқайдлик, рационал фикрнинг консерватив ҳолати каби ижтимоий муаммоларни ўз вақтида бартараф этишининг инновацион усул ва воситаларини топиш, давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдаги асосий концептуал қарашларнинг негизини ташкил этади.

Давлат томонидан ўрнатилган тартиб-қоидаларга тўғри ва тўлиқ ҳамда мажбуриятни хис қилган ҳолда амал қилиш ҳар бир шахснинг фуқаролик бурчи ҳисобланади. Бу масала тарихий давр контекстида сайқалланиб келган ижтимоий воқелик бўлиб, адолатли давлат бошлиғига итоат қилиш, унинг буйруқлари ижросида елкадош бўлиш Шарқ давлатчилик тенденцияларидан маълум ва машхур. Халқ орасида “Подшо амри

Аннотация. Мақолада Иккинчи Ренессанс даврининг буюк мұтафаккири Сағудудин Тафтазонийнинг “Шарх ал-Ақаид” асарида келган айрим ижтимои ҳолатлар нақлий ва ақпий даиллар асосида ёритилган. Ҳусусан, ишбөшилар ва уларга бүйсунувчилар ўртасидаги мұносабаттың қиёсий таҳлили тарихий контексттегі ҳамда бүгунги күн нұқтасынан назаридан тақдис қылған. Ўзбекистонда сиёсий-бошқарув соҳасида олиб борилаётгандык демократик ислоҳотлар замирида халқнинг дардуда ташвиши, муаммолы ҳолаттарини аңграб етадиган, уни бартараф этишига қодир бўлган раҳбар кадрлар масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирни сифатида эътироф этилди. “Замонавий ишбөши”ларда асрлар оша қадр топган тарихий аньянаналар ва бүгунги дунё замонавий билимларининг уйғунылғанын таъминлаши объектив зарурият сифатида баҳоланади. Бу эса, жасамиятда тез суръатларда “ҳалол вакцинация” жараёнининг юксалишига хизмат қиласади. Ислом феномени негизида пайдо бўлган Тафтазоний маънавий меросининг халқлар ва миллатлар ўртасида ижтимои тутувликни таъминлашдаги аҳамияти мазкур мақолада диалектик қарашлар асосида ёритилган. Жумладан, минтақаларнинг исломлашыши жараённида пайдо бўлган деструктив оқимларнинг асоссиз фикрларига қарши жасамиятда ижтимои мувозанатни таъминлашга хизмат қиласадиган гоялар ҳақида сўз боради. Мұтафаккир Тафтазонийнинг ҳеч қачон замон ва макон танламайдиган конструктив қарашлари жасамиятда истиқомат қиласадиган ижтимои қатлам вакиллари ҳаётининг бир маромда юксалиши, уларда муросасозлик (консенсуслик) масалаларининг тараққий этишига хизмат қиласади. Мазкур жараён, давлат ва жасамиятнинг, унда яшовчи инсонларнинг манбаатларида юзага келган мувозанат ва консенсус ҳолати зарурият нұқтасынан назаридан бүгунги күн учун ҳам аҳамиятлы жиҳозланади.

Калит сўзлар: Ишбөши, калом илми, тарихий контекст, ижтимои воқеалик, ижтимои үхтилоф, объектив ижтимои мезон, ижтимои қатлам, ижтимои ҳаёт барқарорлиги, “ҳалоллик вакцинацияси” жараёни.

Abstract. The article, on the basis of narrative and reasonable evidence, highlights some of the social situations highlighted in Sharh al-Aqaid by Saduddin Taftazani, a great thinker of the Second Renaissance period. In particular, a comparative analysis of the relationship between leaders and subordinates is studied both in a historical context and from the point of view of today. In particular, in the context of democratic reforms carried out in the political and administrative spheres of our country, one of the priority tasks of state policy was the issue of leaders who understand the problems and concerns of the people and are able to solve them. Creating a harmony of historical traditions and modern knowledge about the modern world is assessed as an objective necessity for modern leaders. This will serve to increase the process of “honest vaccination” in society. Based on dialectical views, the article emphasizes the importance of Taftazani's spiritual heritage, which arose on the basis of the Islamic phenomenon, in ensuring social harmony between peoples and nations. In particular, ideas are discussed that serve to ensure social balance in society against the unfounded opinions of destructive religious movements that have arisen in the process of Islamization of the regions. The constructive views of the thinker Taftazani, who never chooses time and space, serve to improve the lives of representatives of social strata living in society, and to develop issues of compromise (consensus) in them. This process, the state of balance and consensus in the interests of the state and society, the people living in it, is still an important aspect from the point of view of necessity.

Keywords: Leadership, theological knowledge, historical context, social reality, social conflict, social stratum, stability of public life, the process of “honest vaccination”

Аннотация. В статье на основе повествовательных и разумных свидетельств (ақпий ва нақлий даил) освещаются некоторые социальные ситуации, освещенные в “Шарх аль-Ақаид” Садуддина Тафтазани, великого мыслителя периода Второго Ренессанса. В частности, сравнительный анализ отношений между руководителями и подчиненными исследуется как в историческом контексте, так и с точки зрения сегодняшнего дня. В частности, в условиях демократических реформ, проводимых в политической и административной сфере нашей страны, одной из приоритетных задач государственной политики был признан вопрос о лидерах, понимающих проблемы и заботы народа и способных их решать. Создание гармонии исторических традиций и современных знаний о современном мире оценивается как объективная необходимость у современных лидеров. Это послужит увеличению процесса “честной вакцинации” в обществе. В статье на основе диалектических взглядов подчеркивается значение духовного наследия Тафтазани, возникшего на основе исламского феномена, в обеспечении социальной гармонии между народами и нациями. В частности, обсуждаются идеи, служащие обеспечению социального баланса в обществе против необоснованных мнений деструктивных религиозных течений, возникших в процессе исламизации регионов. Конструктивные взгляды мыслителя Тафтазани, никогда не выбирающего время и пространство, служат улучшению жизни представителей социальных слоев, проживающих в обществе, и разработке в них вопросов компромисса (консенсуса). Этот процесс, состояние баланса и консенсуса в интересах государства и общества, живущих в нем людей, и сегодня является важным аспектом с точки зрения необходимости.

Ключевые слова: Руководитель, наука калам, исторический контекст, социальная реальность, социальный конфликт, социальный слой, стабильность общественной жизни, процесс “вакцинации честностью”.

вожиб” деган накл даврлар оша ўз аҳамиятини йўқотмаган объектив мезон ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жамият тараққиётида юз берган юқоридаги жиҳатларни ўз даврида ислом маърифати ва юксак рационал тафаккур уйғунлигига асосласб берган буюк мутафаккир Саъдуддин Тафтазоний (1322–1390)нинг концептуал ғоялари бугунги кун нуқтаи назаридан ҳам жуда аҳамиятлидир.

Тарихий давр контекстида яратилган бўлсада, бугунги кун ижтимоий-сиёсий масалалари ечимида аҳамиятли бўлган ва шарқона демократия талабларини ўзида жамлаган Тафтазонийнинг илмий ғоялари юксак тараққий этган фуқаролик жамиятини барпо этишда қимматли манбалар қаторида тадқиқ қилинади. Шу жиҳатдан олганда, Абу Ҳафс Умар Насафийнинг “Ақоид” асари ва мазкур китобнинг шархи сифатида дунёга келган Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-Ақоид” асари ислом оламида калом илми борасидаги энг машҳур китоблардан бири сифатида эътироф этилади. Ушбу манба таркибий жиҳатдан калом илмига оид бир неча мавзуларни қамраб олади (М.Норқобилов, 2020).

Жумладан, Абу Ҳафс Умар Насафийнинг “Ақоид” асаридаги “Султонга қарши бош кўтариб чиқилмайди” рукни остидаги мавзуда қуйидаги жумлалар келтирилади.

Мъноси:

“Суннийлик эътиқоди ва ҳанафий мазҳаби уламолари ихтиёр этган сўзларига кўра, ишбошлиарга қарши чиқилмайди, гарчи уларда фосиқлик аломатлари ва раиятга нисбатан зулм содир бўлган бўлса ҳам, уларга эргашган ҳолда орқаларидан туриб жамоат ва ийд намозлари ўқилаверади. Бу масала юзасидан олдин ўтган солиҳ уламолар ҳам худди шундай фикрда бўлганлар. Фақатгина хаворижлар фирқаси бу фикрга қарши чиққанлар” (Саъдуддин Тафтазоний, 2009).

Юқоридаги ҳолатда мутафаккир Насафий сўзлари илмий услубда юксак маҳорат билан ифодаланганлигини кўриш мумкин. Ҳуқуқий (фиқий) масалалар киска ва лўнда, ҳамма учун тушунарли, ихчам, расмиятчилик ва бадиийликдан холи тарзда баён этилган. Ақлий ва нақлий далиллар келтирилмаган. Бу эса, меъерий қонун қучига эга бўлган ҳар бир ҳуқуқий масалани ўқувчининг тезроқ ўзлаштиришига имкон беради. Асаддаги барча ҳуқуқий масалалар юқорида таъкидланган тартибда баён этилган.

Абу Ҳафс Умар Насафийнинг муҳокама қилинаётган ақидавий масала юзасидан фикри тугаллангандан сўнг, Тафтазонийнинг мазкур масала юзасидан шарҳи бошланади. Насафийнинг “Султонга қарши бош кўтариб чиқилмайди” рукни остидаги фикрлари Тафтазоний томонидан қўйидагича шарҳланади.

Мазмуни:

“Ўтган солиҳ қишилар ишбошиларга итоат килиш ақидасига ҳам қалбан, ҳам жисмонан бўйсунишарэдивабунганақлий далилкелтиришган: “Тобеинлардан бўлган Зиёд ал-Адавий айтадилар: Абу Бақра билан бирга Ибн Омир хузурида эдик, у ёмон кийимларини кийиб, одамларга хутба қиласр эди. Шу пайтда мен: Амиримизга қаранглар, у фосиқларнинг кийимини кийиб олган, деб айтдим. У: Жим бўл!. Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: Ким Аллоҳнинг ердаги султонини хор қилса, Аллоҳ уни хор қиласи”, деганларини эшитганман, деди” (Саъдуддин Тафтазоний, 2009).

Мутафаккирларнинг юқорида таъкидланган қарашларидаги аналогик таҳлилида Абу Ҳафс Умар Насафий бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий (фиқий) масалани баён қилиш билан бирга, ўша замон ва маконда фаолият юритган хаворижлар фирмасининг мазкур ҳуқуқий масалага бўлган муносабатини ҳам раҷдия шаклида ифодалаганини кўриши мумкин. “Султонга қарши бош кўтариб чиқилмайди” деб номланувчи диалектик мавзу юзасидан юқорида баён этилган қарашларнинг нақлий далиллардаги баёнини келтиришга ҳаракат қилдик.

Нақлий далилларнинг аввали бўлган Қуръони каримнинг Нисо сураси 59-оятида: “Эй имон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинг, Пайғамбар ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг. Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз, агар Аллоҳ ва охират кунига имон келтирган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтаринг. Ана шундай қилиш хайрли ва оқибати яхшидир” (Абдулазиз Мансур, 2006). Қуръони каримнинг мазкур оятлари Яратувчининг инсоният жамоасига итоат қилиш масаласида ҳукмларнинг илоҳий ва инсоний босқичларини тушунтиради. Шунингдек, мутафаккир ахлоқий қарашларидаги хурмат ва тавозе каби шарқона фазилатлар муросасозликнинг юксак намунаси сифатида юқоридаги жумлаларда компенсаторлик вазифасини бажарган.

Амр ибн Осదан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.): “Кимки раҳбарга чин кўнгилдан қўл бериб, байъат қилса, тоқати етгунича итоат қиласин”, деганлар. Мазкур жараёнда раҳбарга

итоатсизлик, жамият ижтимоий барқарорлигига рахна солувчи, жамоа аъзолари орасида парокандалилкка тарғиб қилувчи омил сифатида эътироф этилади.

Ислом дини тарихига оид бир маълумотда келтирилишича, Абу Бакр Сиддиқ ислом давлатининг раҳбарлигига сайлангунгача бўлган ҳаёти савдогарлик фаолияти билан кечган эди. Халифаликка сайланганидан сўнг, у кишининг тижорий ишлари тўхтаб қолди. Вақт ўтиши билан тарихий тенденцияда савол пайдо бўлади. Халифанинг оиласини боқиш кимнинг зиммасида қолди? Шунда “халифа Абу Бакр иқтисодий ижтиҳод қиласи, яъни байтулмоддан ишлатиб, уни кўпайтириш ва эвазига оиласининг нафақаси учун маош олиб туришга қарор қиласи. Саҳобалар бунга розилик билдирадилар. Бу ижтимоий воқеилиқдан ислом давлатида ишга тайинланган кишига ойлик маош белгилаш келиб чиқди” (Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2016). Бу ҳолат давлат раҳбарининг ўз мансаб-лавозимига нисбатан масъулият билан ёндашуви ҳамда “ишбоши”нинг кўл остидаги ходимлари билан муроса йўлида иш тутишини англатади. Буни эса, ўша даврнинг ижтимоий инновацияси десақ, хато бўлмайди.

Демак, ҳар бир фуқаро, у хоҳ жамоа раҳбари бўлсин, хоҳ оддий ходим бўлсин, ўз зиммасидаги хукуқ ва мажбуриятларни адо этишда, бирор масала юзасидан низолашаётган инсонлар орасидаadolat билан хукм юритишида ва бошқа ишларда, аввало, Яратувчи, сўнгра Пайғамбар (с.а.в.)га итоат, кейин ишбошиларга итоат этмоғи лозимлигини асар матнидан англаш мумкин.

МУХОКАМА

Мазкур ахлоқ нормаси назарий таҳлил қилинса, муайян жамиятда яшовчи ҳар бир фуқаронинг бўйсуниши лозим бўлган уч кўринишдаги ижтимоий ҳолат ҳақида гап боради.

Юқорида таъкидланган тушунчаларнинг фалсафий таҳлили шундан иборатки, нақлий далилдаги биринчи итоат, ўзининг “мен”ини англаб етган ақл-идрокли фуқарода виждан туйғуси шаклланади ва бу туйғу кундалик турмуши давомида моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга кодир бўлган ягона зот – Яратувчи эканини англайди. Бундай ҳолатда Яратувчига итоат этиш жараёни инсонга мажбурият ҳиссига нисбатан кўпроқ эртанги кунга умид ва ишонч туйғусини баҳш этади.

Яратувчига итоат қилиш унинг илоҳий китоби – Қуръони каримга амал қилиш билан юзага келади. Нақлий далилда келтирилган иккинчи кўринишдаги итоат ҳақида тарихий давр нуқтаи назаридан фикр юритсақ, Муҳаммад (с.а.в.)нинг суннатларига амал қилиб яшаш комилликка эришувнинг асосий тамойили эканлигини англаб этиш мумкин. Комил инсон мақоми эса, эришиш лозим бўлган пировард натижа, яъни хукуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий манбани ташкил этади.

Манбада таъкидланган дастлабки икки ҳолатдаги итоат тарихий давр контекстида жамият ёки жамоа учун ҳеч қачон салбий оқибат олиб келмаган, аксинча, ҳар иккала ҳолатдаги бўйсунишнинг элементлари бўлган виждан ами, ҳалоллик, поклик, ўзаро хурмат, инсонларнинг бир-бирига яхшилик қилиши каби амаллар ижтимоий муҳитда инсонларда позитив кайфият, давлат ва жамиятнинг барча структурасида тараққиётга олиб борувчи омил бўлиб хизмат қилган (М.Норқобилов, 2021).

Изоҳланаётган “ишбоши” сўзи, замонавий истилоҳда таҳлил қилинадиган бўлса, жамиятнинг ҳар бир тизимидаги раҳбар ва унинг кўл остида бўлган ходим ўртасида вужудга келадиган альтруистик тушунчаларни тўғри шакллантириш билан боғлиқ ҳолда ўрганилади (М.Норқобилов, 2022). Бунда инсоф ва адолат, ҳалоллик ва диёнат, орият, ўзганинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, инсонларнинг дардини тинглай билиш каби ахлоқий фазилатлар ҳар қандай жамоа раҳбарининг асосий қуроли бўлмоғи кераклиги уқтирилган. Мазкур тушунчаларни бугунги кун жамият ҳаётига йўналтириб таҳлил қилинганда, раҳбар кадрларда “ҳалол вакцинация” борасидаги фикр-мулоҳазаларнинг шаклланиши ва юксалишида долзарб аҳамият касб этади.

Гуманистик ғояларни тарғиб қилувчи асарларда ҳар бир ишбошининг фаолияти жараёнида бирор масалада ихтилоф пайдо бўлиб, низо келиб чиқса, нақлий далилларнинг аввали бўлган Қуръони каримга ва Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларига мурожаат қилишadolatнинг энг юксак намунаси эканлиги таъкидланади. Агар бу қоидага риоя этилмаса, муаммонинг ўзича ҳал қилинишига эрк берилса, жамиятда тартибинизом бузилади, ҳар бир инсоннинг ақлий қобилияти ва фикрлаш даражаси турлича бўлгани учун турлича зиддиятлар келиб чиқади. Бу эса жамиятда парокандалиқ, бошбошдоқликни келтириб чиқаради ва давлатнинг таназзулига олиб келади.

НАТИЖА

Бундай салбий холатлар натижаси ўлароқ, биринчидан, ислом фалсафаси ва калом илми инсонларни доимо изланувчан, жамиятда пайдо бўладиган турли кўринишдаги муаммолар юзасидан ҳозиржавоб бўлишга чорлайди. Иккинчидан, ислом фалсафаси ҳар қандай замон ва маконда юзага келадиган турли муаммоларга тўғри ечим топиш имконини беради. Учинчидан, агар Қуръони каримда ҳам, ҳадисда ҳам аналогияси мавжуд бўлмаган масала юзасидан ечим зарурияти пайдо бўлса, бу масаланинг ечими ишбошиларга ҳавола қилинади.

Шуни таъкидлаш керакки, “ишбошиларга итоат” масаласи асрлар давомида турли эътиқодда адашган оқимлар таъсирида турлича ижтимоий қиёфа касб этган. Бугунги кунда ҳам бу масала давлат сиёсати даражасидаги долзарб масала сифатида эътироф этилмоқда. Юқоридаги манбаларда келтирилгани каби мазкур мавзу давлат ва жамият барқарор тараққиётининг муҳим фактори сифатида ислом феноменидан ўрин эгаллаган. Қолаверса, тарихий контекстда яратилган барча шу каби манбалар мазкур масаланинг долзарблигини тўлиғича далиллайди. Тафтазонийнинг ғоялари бугунги кунда ислом никоби остида давлат ва жамият тараққиётiga қарши фаолият юритаётган оқимларнинг қарашлари ноўрин эканлигини исботлайди ва уларнинг кўтариб чиқаётган ҳар хил даъволари факат ўзларининг ғаразли мақсадларини никоблашдан ўзга ҳолат эмаслигини кўрсатади.

Мақолада “ишбоши” деб таржима килинган сўзлар матнларда “имом” (إمام) шаклида келган. Ақидавий қарашларнинг истилоҳида “имом” сўзи икки маънода келади. Биринчиси, давлат раҳбари сифатида гавдаланса, иккинчиси, яъни истилоҳдагиси эса, имом-хатиб жумласини ифодалаш учун қўлланилган. Ушбу мақолада мазкур атамага аксарият ўринларда давлат ва жамоа раҳбари нуқтаи назаридан ёндашилган.

Кўпчилик наздида “ишбоши” деганда муайян маънодаги раҳбар қиёфаси намоён бўлади. Бундай ҳолатда масалага бирёклама ёндашув мантиқий хатоликни келтириб чиқаради. Ислом уламолари Қуръони карим оятидаги “ишбоши”ларни шундай тушунтирганлар: ислом ҳуқуқида ижтиҳод, яъни муайян каломий масалага жавоб топа олиш даражасига етган олимларнинг жамланиб, қарор қабул қилишлари ишбошилиқdir. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, қарорига бўйсунишлик лозим бўлган ҳар бир тузилма раҳбари ҳам ишбоши ҳисобланади.

Бошқарувда “ишбоши”ларнинг роли масаласини бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, жамият ҳаётига татбиқ қилишни мақсад қилинганда, истиқболли раҳбар кадрларни тайёрлаш тизими ҳар кунгидан кўра долзарб тус олганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жараён давлатимиз ички сиёsatининг муҳим масаласига айланди. Жамият ҳаётининг муайян соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг амалий ечимларини топиш Саъдуддин Тафтазоний асарида таърифи келтирилган “ишбоши”лар зимесига бир қатор бурч ва мажбуриятларни юклайди. Мазкур мажбуриятни адо этиш учун “энг аввало, раҳбардан ақл-идрок талаб этилади. Ақл идрокли бўлиш билан бир қаторда, раҳбар одам мустахкам иродали, имони бутун, ориятли бўлиши билан шарт. У бағрикенг, айни замонда талабчан бўлиши шарт”, – дея таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов (Каримов Ислом, 1996).

Бугунги кунда ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотларимизнинг самараси ўлароқ, мамлакатимизда ўзининг шахсий фикри, қарашлари ва соҳага нисбатан тўғри, самарали ёндашувга эга бўлган замонавий “ишбоши”ларни масъулиятли лавозимларга тайинлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Раҳбар кадрлар онгida мутафаккирлар маънавий мероси ва замонавий билимларни уйғунлаштириш бугунги куннинг объектив зарурияти ҳисобланади. Бу эса сиёсий етакчилик жараёнининг шаклланишига фундаментал аҳамият касб этади. Бу масалада сиёсий етакчининг роли давлатнинг барқарор тараққиётiga, сиёсий ҳаётига, нуқтаи назарига салмоқли таъсир кўрсата оладиган, ижтимоий ҳаёт идеал образининг маънавий қиёфасини шакллантира оладиган, ҳар томонлама етук сиёсатдонлар фаолияти тадқиқотнинг илмий моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий “ишбоши”ларнинг ижтимоий-маънавий ва ахлоқий қиёфасини шакллантириш ҳамда бошқарув тизимида адолат тамойилари-нинг устуворлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шундай таъкидлайди: “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар... фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиб қолиши керак” (Мирзиёев Шавкат Миромонович, 2017).

Янгича дунёқарашга эга бўлган замонавий “ишбоши”ларда ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва уларнинг ижтимоий адолат ижросини таъминлаш жараёнида ижобий натижалар кўлга киритилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув Академияси бу борада жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Юқорида таъкидланган жиҳатларни инобатга олганимизда, “ишбоши”ларда замонавий бошқарув салоҳиятини шакллантириш ва улар онгига миллий кадриятлар руҳини сингдиришда Саъдуддин Тафтазонийнинг концептуал қарашлари маълум маънода назарий манба вазифасини бажаради.

Тарихий давр тенденциясидаги исломий билимлар ва замонавий қарашларнинг далилларидан келиб чиқадиган умумий хуласа шуки, мутафаккир Тафтазонийнинг илмий меросини чукур тадқиқ этиш, унинг конструктив қарашларини мамлакатимиздаги бугунги демократик ислоҳотлар жараёнига изчил татбиқ қилиш, маънавий мерос синтези асосида ўзлаштирилган билимларни инсоният камолоти учун йўналтириш масаласи тадқиқотчи олим ва файласуфлар олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Буюк мутафаккир Тафтазоний сиймосида, бугунги кунда биз қураётган фуқаролик жамиятининг тарихий асосларида унинг ақл-идроқи, тафаккур тарзи ва ислом илмлари ҳақидаги қарашлари муҳим аҳамият қасб этади.

Тадқиқотда Тафтазоний асарларидағи ғояларни давлат ва жамият тараққиётида мамлакат раҳбарининг роли ҳамда аҳамиятини ёрқин далиллар асосида кўрсатиб берган бугунги замон олимларининг фикрлари билан қиёсий таҳлил қилинди.

“Давлат бошлигининг доно сиёсати ва қатъияти мамлакатни чукур танглиқдан олиб чиқсан... Чунки давлат бошлиғи оқилона сиёсат юритганида мамлакатнинг бойлигига бойлик қўшиш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, уни обру-эътиборли давлатга айлантириш мумкин” (А.Ч.Касаев, 2001).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-Ақоид” асарида “султонга қарши бош кўтариб чиқилмайди” мавзуси жамиятда пайдо бўладиган муайян масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг ўз вазифаларига нисбатан адолат ва инсоф билан ёндашви ҳамда бунинг натижасида жамият аъзолари орасида тинчлик-тотувлик, муросасозлик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат руҳидаги ҳамкорлик

каби умуминсоний қадриятларни юксалтиришда назарий манба бўлиб хизмат қиласи.

Кези келганда шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ ва давлатманфаатий ўлида олиб бораётган прагматик сиёсати алоҳида эътирофга лойиқ. Биргина “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиш керак” (Мирзиёев Шавкат Миромонович, 2017) шиори остидаги концептуал тамоийл бўйича раҳбарларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимининг жорий этилиши, мутафаккир Тафтазоний асаридағи “ишбоши”ларнинг бошқарув соҳасидаги инсоний ва касбий сифатлари ҳақидаги иқтибосининг амалий намунасиdir. Бу эса Тафтазоний асарларининг асрлар оша ўзининг рационал тафаккур бобидаги маърифий аҳамиятини йўқотмаганидан далолат беради.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса кўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чукур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш” (Мирзиёев Шавкат Миромонович, 2018) масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ижтимоий ҳаёт саҳнида юзага келаётган долзарб муаммоларни самарали ҳал қилиш имконини беради. Шу жиҳатдан Тафтазонийнинг илмий-фалсафий, маънавий меросини чукур таҳлил ва тадқиқ этиш асосида, уни демократик ислоҳотлар жараёнига йўналтириш жамият ҳамда инсонларнинг маънавий юксалиш даражасини белгиловчи омил сифатида эътироф этилади.

Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-Ақоид” асари ва унда келтирилган долзарб мавзу – жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлаш ҳамда жамият ҳаётида пайдо бўлган турли хил кўринишдаги янгиликларга тезкор ҳамда оқилона ечим топиш масаласида қимматли назарий-методологик манба вазифасини бажаради. Қолаверса, жамиятда диалектика қонуниятлари барқарор экан, рўй бераётган ҳар бир ижтимоий воқеликка жамоа аъзоларида зарурият категория асосида ечим топиш ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотларимизнинг натижадорлигини таъмин этиш омили бўлади.

Республикамида олиб борилаётган бугунги демократик ислоҳотлар замирида ҳам шундай бир

эзгу максад мавжудки, унда халқ дардини тинглай биладиган раҳбар кадрлар масаласи давлат сиёсати даражасидаги ижтимоий воқеликка айланди. Раҳбар кадрларда тарихий анъаналар ва замонавий билимларни уйғунлаштириш масаласи бугунги куннинг обьектив зарурияти ҳисобланиди. Бу эса, жамиятда “халол вакцинация” жараённинг юксалишига хизмат қиласи.

Саъдуддин Тафтазонийнинг замон ва макон тантамайдиган ижтимоий-сиёсий қарашлари жамият қатламларининг уйғун ривожланиши, уларда консенсуслик муносабатларининг шаклланишига хизмат қиласи. Мазкур ҳолатлар эса, жамият ижтимоий қатлам вакиллари манфаатларидаги мувозанат ва консенсус ҳолати зарурият нүқтаи назаридан бугунги давр учун хам аҳамиятлидир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. M.X.Norqobilov. (2020). *Philosophical interpretation of socio-political issues in Sa'deddin Taftazani's "Sharh al-aqeed"*.
2. M.X.Norqobilov. Philosophical interpretation of socio-political issues iEPRA International journal of Research & Development (IJRD) Monthly Peer Reviewed & Indexed International Online Journal ISII. F. Value, 1.
3. А.Ч.Касаев. (2001). *Ривожланишининг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик-тараққиёт асоси*. Тошкент: Ўзбекистон.

4. Каримов Ислом. (1996). *Биздан озод ва обод Ватан қолсин*. Тошкент: Ўзбекистон.

5. Ш.М.Мирзиёев. (2018). ПФ-5416-сонли Фармон. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

6. Ш.М.Мирзиёев. (2017). Мурожаатнома. Тошкент.

7. Ш.М.Мирзиёев. (2017). Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак. Тошкент: Ўзбекистон.

8. Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. (2016). *Ҳадис ва ҳаёт*. (Vol. 11). Тошкент: Hilol nashr.

9. М.Норқобилов. (2021). *THE NOTIONS OF FREEDOM OF THE WILL AND ETHICAL (MORAL) CHOICE IN THE WORK "SHARH AL-AQEED" OF SADEDDIN TAFTAZANI*. The Light of Islam.

10. М.Х.Норқобилов. (2022). *“Ишбошиларга итоат” масаласи жамият барқарорлигининг муҳим омили сифатида*. Oriental Renaissans: Innovative, educational, natural and social sciences, 869.

11. Саъдуддин Тафтазоний. (2009). *Шарҳ ал-Ақоид ан-Насафий*. Караби: Мактабат ул-бушро.

12. А.Тулепов. (2013). *Ислом ва ақидапараст оқимлар*. Тошкент: Шарқ НМАК.

13. Шайх Абдулазиз Мансур. (2006). *“Қуръони карим” маъноларининг таржимаси ва тафсiri*. Тошкент: Шарқ НМАК.

